БАДИИЙ ХРОНОТОП – ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИН УЙҒУНЛАШУВИ

Махматқулова Зарина Нуруллаевна
Гулистон давлат университети
Мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг услубий ўзига хослиги ҳақида сўз юритиларкан, мақолада "Тушимдаги Оловхон" талқин этилади. Рамзларда иблис ва унинг бани башариятга етказган жиддий зарбалари эса назарий жиҳатдан асосланади.

Калит сўз: иблис, ифода, миф, илон. Ёвузлик, ранг, тун, охират, мантиқ.

Бадиий хронотоп ғоялар занжири ҳамда руҳий кечинмалар узвийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Инсон руҳиятида хилма-хил кечинмалар, портлаш, ўзгариш ясаб туради. Чунки кайфият ҳар куни бир хил маромда бўлмаганидан кейин инсон психикаси ҳаммма вақт ўзгарувчан аҳамиятга эга. Ана шу модификация ҳар қандай такомилни ўзига хослик сари етаклайди. Шу боисдан ҳам, инсон руҳиятидаги қарама-қаршиликлар ҳаёт ҳақиқатини теран истифода этишга чорлайди. Юксак мақом, оғриқлар, даврнинг шабадаси, олижаноб туйғулар, йўқотишлар, ҳикоя қаҳрамонларини катта ҳаёт тажрибалари билан безайди. "Тушимдаги Оловхон" ҳикоясида Иблис образи ёки илон образи ҳақида мифологик қарашлар мавжуд. Бадиий хронотоп ёзувчи ўзи таъкидлаганидек – одамни йўлдан оздирувчи илк илон ва шайтон тимсолида гавдаланади.

Рус мунаққиди Михаил Бахтин қайд этишича: "Антик заминдаёқ романнинг уч муҳимм бирлиги, романга хос замон ва маконнинг уч муштарак ўзлаштириш усули, қисқача айтганда, уч роман хронотопи майдонга келган эди. Мазкур уч тип фавқулодда маҳсулдор мослашувчанлиги билан авантюр роман ривожини XVIII аср ўрталарига қадар ҳар жиҳатдан таъминлаб келди. Шунинг учун ишни мазкур уч типга мансуб романларнинг батиафсил таҳлилидан бошлаш, сўнгра навбати билан уларнинг Европа романларига хосланган вариацияларини аниқлаш, пировардида эса бевосита заминида пайдо бўлган романларга оид янгиликларни белгилаш мақсадга мувофиқдир"[1]. Келтирлиган лавҳадан англашиладики, ҳикоя (эпос)нинг бир ихсам кўриниши. Унда ҳам муайян одам образи ва даврнинг нафаси, модификация қилинади. Бу систембутунлик биологик нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш мумкин деган хулосани беради. Масалан, инсон ўз туйғуларини ҳар қачонгидан сермазмун бўлишини, унинг назарида яхши бир жиҳатга эврилишини таъминлар экан, ҳаёт ҳақиқатини англаш борасида энг бирламчи компонентларни тўғри тақсимлашга вақт ажратади.

"Ёвузлик фақат қонхўрлик, одамхўрлик эмас, у ҳар қандай кўринишдаги зулм ва зўрлик ҳамдир. инсон ўзини англай бошлагандан зулм ва зўрликни таҳлил қилишга киришган. Санъат, адабиёт, руҳшунослик, фалсафа зўрлик билан махсус шуғулланган ва шуғулланмоқда. Инсоннинг бир-бирига дўст-душманлиги масаласи жаҳондаги барча мутафаккирлар асарларининг туб моҳиятини мағзини ташкил этади. Бу масала XX асрнинг руҳиятшунослигининг бош масаласига айланди. Инсон онги ривожланган сайин зўрлик ҳам ўз қиёфасини ўзгартирди. Энди у ошкора эмас, балки гуманистик ғоялар ниқобида ҳаракат қила бошлади. Тил ва дил ўртасида фарқ кучайди. Ибтидоий одам бир нарсани айтиб, бошқа бир иш қилишни ҳеч қачон тасаввур қила

[1] Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: "Akademnashr". 2015. –Б.46.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

олган эмас. Бу унинг, биз уни қанчалик қолоқ демайлик, энг буюк, инсоният мангу асраши лозим бўлган фазилат эди"[2]. фольклоршунос олим Жаббор эшонқул қайд этишича ушбу мулоҳазалар янги мифологик мактаб вакиллари асарларида ҳам яқол юзага чиқди. Франц Кафка ва Жеймс Жойснинг мифлар асосига қрилган ҳикоя ва романларида композицион воситалар синтези бадиий хронтоп бирлигини алоҳида аҳамият касб этишига етаклайди. Чунки бадиий образ ҳар қандай мантиқ чегарасини ёриб ўтиб, ундаги ноёб фазилатларни янада мустаҳкамлайди. Буни шу тариқа идроклаш мумкинки, инсон ҳар қандай шароитда ёвуз кучлар билан сира чиқиша олмайди. У ана шу кучлар қаршисида ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Шодиқул Ҳамро ҳикояларида эски мифнинг янгича талқини ҳамда бадиий хронотоп шаклларининг ўзига хос қирраларини кашф этиш мумкин.

"Тушимдаги Оловхон" ҳикоясида бадиий хронотоп масаласи қуйидаги шаклда юзага чиқди:

"Ҳафтанинг пайшанбадан жумга ўтар кечаси эди, кун узоғи қимир-қимирдан қаттиқ толиққан эканман, шекилли, эрта оқшомдаёқ тошдек ухлаб қолибман. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон бунчалик узоқ ухламанимни эслай олмайман, гўё қандайдир сирли куч тилсимлаб ташланган тонг отиб, кун ёйилиб кетгунча қадар уйқудан кўз очмабман. Батаҳқиқ, жуда ғалати туш кўрибман. Тушимда туннинг аллақайси палласида уйғониб кетибман ва тўшагимдан туриб, эшик томон юрибман. Тун айни қуюқ тортадиган маҳал бўлишига қарамай, ҳовлимиз ҳудди сутга чайилгандек ёришиб кетган, уйимиз устига кўтарилган тўлин ой қайнаб-тошиб нур сочганча ҳамма ёқни ҳарир пардага ўраб ташлаган эди, фақат тирик жон борки, барчаси бу фараҳбахш кечага маҳлиё бўлиб олгандек тиқ этган товуш қулоққа чалинмас, одатда онда-сонда безовта тортиб акиллайдиган итларнинг ҳам уни ўчганди. Тўлин ой нурига чулғанган кеча бағрида оғир сукунат чўкиб ётар ва бу жимжит юракка қандайдир мубҳам қўрқув солаётгандек туюлади"[3].

Ҳикоя нега айнан пайшанбадан – жумага ўтар кечаси содир бўлмоқда. Кенча ука ўзи ёлғиз яшайди. Онаси, отаси ва акаси оламдан ўтган. Туш мотиви негадир мавҳум тушунчаларни ифодалар экан, қаҳрамоннинг исми, макон ҳамда замон аниқ бир ўлчамда юз очмайди. Тун ва туш оралиғида кечадиган – Иблиснинг қиёфаси қора тутундан иборат. Оятдан, калимадан, дуодан ўрқан иблис эса, ана шу концепция – жаннатга ишорадир. Одамлар вафотидан кейин руҳи осмонга учар экан, руҳ билан ўзаро йигитнинг суҳбатида ҳикоя концепцияси очиб берилади. Йигит пайшанбадан – жумга ўтар кечаси туш кўради. Кўрпасида ётган махлуқнинг ким эканлигини билмайди. Уй, меҳроб ва акасининг тушига кириши эса ноодатий ғайб илмидан ҳам хабардор қилади кишини. Йигит ўз тушида нималарни чамалайди. Сувда чўкиб ўлган ака, отасининг қистови билан юборилган ака, онасининг у томондаги фарзандини ўйлаб эзилишлари ҳаммаси бир-бир хотирасида рўё ёки реал воқелик билан чамбарчас боғланиб кетади.

Туш – хронотопи. Инсон уйғоқ пайтида ҳар қандай жирканч ва ёқимли нарсалар ҳақида бемалол айа олмайди. Фикр юритишга ички қўрқув (муте)лик устун келади. Чунки инсон ўз ҳаёти, моҳияти, онги ва шуурини қамраб олган қўрқувни қачон енгади? Сиёсий ихтилофлар исканжасида қолган бани башариятга хос бир узун йўлдир бу. Айниқса, ёшликнинг шаштини вақт ўтиб биласан, қариликнинг оний лаҳзалигини умринг бир жойга бориб тушунсан, муҳаббатнинг ҳам забт этилган лаҳзадаги ҳолатини унга эришиб бўлгач англасан. Тушуниксиз бир олам ҳақида фикр юритаркан, кишини ҳамма нарса ўйлашга ундайверади. Туш – бўлиши мумкин бўлган ёки бўлиб ўтган воқелар тизмасидир. Инсон фаолияти, унинг хатти-ҳаракати, дунёқараши ҳамда умидлари туш битикларга ёзилган бўлса не тонг? Шунинг учун ҳам инсон боласи туш кўради.

[2] Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши. 1999. –Б.83.
[3] Шодиқул Ҳамо. Кўк кўл. –Т: "Янги аср авлоди". 2025. –Б.107.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Тушида ғайритабиий махлуқлар билан суҳбатлашади. Улардан илоҳ олади ёки нафратланади. Тушнинг ўзига хослиги фан тилида онгсизлик, лепрессия ва ғайришуурий муносабатлар тиғизлашувида намоён бўлади. Бу ҳақдаги қарашлар фанда Зигмунд Фрейд билан боғлиқ ҳолда аниқлик касб этди. Фрейд инсоннинг туши ва ўнгидаги муносабатларини шу қадар теран талқин этиб, замонавий дунёда башоратгўйлик қлдики, натижада XX аср бошларида туш адабиёти пайдо бўлди.

"Инсон уйқу ҳолатида, яъни ақл мустабидлиги "юмшаган", унинг зўравонлиги камайган пайтда бу истак ва кечинмалар инсон шурини эгаллаб олади, мияга ўзининг мавжудлигини кўрсатади. Уйқу пайти биз уйғоқ пайтимиз юзага чиқишига ақлий истакларимиз йўл бермаган кечинмаларга гувоҳ бўламиз ва у билан бирга яшаймиз ҳамда буни туш деб атаймиз. Асли туш инсон руҳий дунёсининг ажралмас, мураккаб ва муҳим қисмидир. Фрейд тушни таҳлил қилар экан, тушга эътиборсизлиги шу инсонларнинг руҳан майиб бўлиб қолишига сабаб бўлади деган хулосага келади. Тушга – ички истак ва кечинмаларга эътиборсизлик туфайли одамзот энг катта фожеаларга дуч келди; у ўз қалбини унутиб қўйди. Фрейд XX асрга хос ёвузлик ва қуллик, мутелик руҳий касалликлар, ахлоқий бузилишлар, маънавий юзсизликлар, эътиқодсизлик ва иймон сустлигини инсоннинг ички истак кечинмаларига эътиборсизлиги ёки бу кечинмаларни зўрлик билан жиловлаб қўйишда деб тушунтирилди"[4]. Ҳақиқатдан ҳам, ёвузлик ва ундан етиб келган мусибатлар одамзодни руҳини майиб қилиши, девонага чиқаришини, инсон ўлароқ яшашдан маҳрум этилишини кўп кузатганмиз. Инсон онгидаги тушунчалар, ўйлар, ҳаммаси қалбдан ўтказилади. Шу асосда, реал ҳаётга кўчиб ўтган туш ҳам алалоқибатда ё салбий маъно ёки бўлмаса ижобий маънога эврилади. Кафка қаҳрамонлари ҳам айни шу тариқа ўзларини англаб етган образлар негизида ривожланди.

Оловхон – илон ёки бир қандайдир махлуқдир. У иблис қиёфасида йигитни тўшагига кириб олиб, уни йўлдан оздирмоқчи. Мана шу йўлдан, ақлдан оздириш негизида ёзувчи кўплаб мифларни талқин этмоқда. Ўлим ва охират, тириклик, ёвузликнинг турли рангларда аксланиши ҳамда одамларнинг бошига тушиб уни зидан чиқараётган кулфатларнинг адоғи йўқлигини ҳам талқин этмоқда. Миф орқали бугунги кундаги, замонавий фан-техника инқилоби уфурган умидлар ила яшаётган бани башариятнинг тимсолларга эътиборини ҳам ўзига хос рамзларда ифодаламоқда.

Эрих Фромм назариясида туш мотиви. "Онгости – Юнг[5] ўйлаганидек, генетик тажрибадан келиб чиққан асоссиз хулоса эмас ёки Фрейд фараз қилгандек, ақлга сиғмайдиган либидо[6] тўпланувчи куч ҳам эмас. Уни тушуниш учун "фикримиз ва ҳиссиётларимиз биз бажараётган иш билан боғлиқ", деган принципга амал қилишимиз керак. Онг бу – биз ташқи дунё билан қилаётган муомаламиз, ҳаракатларимиз билан боғлиқ бўлган миямиз фаолиятидир. Онгости – ташқи дунё билан алоқамиз тўхтаганда "ишлайдиган", ўзимизни англашга қаратилган миямиз фаолиятидир, бинобарин, унинг хусусияти эгаллаб турган ҳолатимизга боғлиқ"[7]. Эрих Фромм қайд этган мулоҳазалар ҳар қандай даврда ўз аҳамиятига эга. У тушлар ва тушнинг одам руҳиятидаги ўрни

[4] Жаббор Эшонқул. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши. 1999. –Б.104-105.
[5] Карл Гутав Юнг (1875-1961) – швейцариялик психиатр, аналитик психология асосчиларидан бири.
[6] Либидо – инсоннинг психик ривожланиши унинг жинсий ҳис-туйғулари ривожланиш жараёнига боғлиқ, деган тушунча.
[7] Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: "Ўзбекистон". 2016. –Б.62-63.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

борасида устози Фрейд билан кўплаб мулоҳаза майдонини яратади. Шу асосда унинг қизиқишлари ҳам турли даврларга ўз итоатини ўргатади.

Шодиқул Ҳамро ижодида туш қуйидаги жадвалда мифни қайта ишлаш муҳимлигин далолатлайди.



Ҳикояда – Оловхон (Шайтон)нинг ҳийлалари ҳар бир одам танасига кириб, уни ҳаттоки ақлдан ва йўлдан оздирувчи сифатида намоён бўлади. Фрейд ҳам Эрих Фром ҳам ана шу онгости ҳисларининг реал моҳиятга эврилишини далолатлайди. Онгости ҳисларимиз худди туш кўрганимиздагидек, фарқи унда ранглар, оҳанглар, кундуз кунидан тубдан фарқланади. Қўрқинч ҳамда ёзвуз кучлар характерларни янада мустаҳкам асосда англанишига имкон беради.

Проф.У.Жўрақулов эпос ва роман, достон ҳамда трагик жанрлар хусусида шундай ёзади: "Антик юнон адабиётида Гесиоднинг полетеистик (кўпхудолилик) қарашлар акс этган (юнон маъбудлари ҳақидаги) "Теогония" асари анча машҳур саналади. Бу асар муаллиф яшаган давргача майдонга келган турли мазмундаги мифологик қисса ва ҳикоялардан таркиб топган. Кейинчалик Овидий ва Апулейлар ҳам Гесиодга эргашиб "Метаморфозалар" номли асар ёзишган. Бу асарлар Гесиод асаридан қатор тарихий воқеалар, шахслар ҳақидаги ахборотларни қамраб олгани билан фарқ қилса-да, умумий структурасига кўра ўнлаб мустақил миф ва ҳикояларни бир жилд остида жамлагани билан синтетизм принципини намоён этади. Ушбу асарлардаги мустақил бадиий шаклларни бириктириб турган нарса метаморфоза – эврилиш концепцияси ва муаллифларнинг полетеистик эътиқодидир"[8]. Саргўзашт-фантастик асарларда бадиий кун, йил, ой ва баъзан узоқ чўзилган вақт белгилари орасида бўлиб ўтади. Шодиқул Ҳамро ҳикояда мана шу вақтнинг интенсив кўринишига амал қилади:

Инсон ҳар қандай вазиятда ёвузликка қарши туриб бера олсагина у инсонлик мақомида қолади. Чунки ёвузлик тушда ҳам ўнгда ҳам инсонни маҳв этади. Унинг ички ҳиссиётларини ҳам пароканда қилади. Демак, ёвузликни енгиб ўтиш учун одам барибир ўз қисматини тўғри тайин

[8] Жўрақулов У. Алишер Навоий "Хамса"сида хронтоп поэтикаси. –Т: "Турон-Иқбол" нашриёти. 2017. -Б.37-38.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

этиши, англаши, келиб чиқиш насл-насабини ўзлаштириши муҳим. Шодиқул Ҳамро ҳикоядаги рамзларни туш ва ўнг аро бўлиб ўтаётган метафоралар бағрида реаллаштиради. Ана шу потенциал ҳаракатлар одамнинг оламга, оамнинг сирларини билишга имкон беради:

"О, бу сир-синатга тўла ғаройиб туш эди, у худди маккор ва устамон сеҳргар сингри менинг инон-ихтиёрим, хоҳиш-иродамни қўлимдан тортиб олиб, буткул маҳв этиб ташлаган, қимир этишга, эътироз-у қаршилик кўрсатишга зиғирча имкон бермасди, мен ожиз ва муте қиёфада унинг кўз илғамас сарҳадларида адашиб-тентираб юрар, қаерга бораётганимни, ўзимни олдинда нималар кутаётганини билмас, шундай аҳволга тушиб қолганимни ўйлаб, юрагим азобу изтиробга тўлиб бетиним талпинганча унинг қучоғидан халос бўлишга, кўзларимни йириб-йириб очганча, уйқудан уйғонишга уринар, аммо барча сайъ-ҳаракатларим, бетиним талпинишларим бесамар кетар, зулумотга бурканган бу туш мени сира бағридан бўшатай демас, аксинча, ўзининг тбсиз домига тобора чуқурроқ тортиб борарди. Ажабланарли томони шунда эдики, тушимдаги воқеалар, одатда тушда рўй бергани сингари узуқ-юлуқ ва элас-элас эсда қоладиган алфозда эмас, балки худди умримнинг бир бўлаги сингари яхлит ва аниқ-тиниқ ҳолда, бир-бири билан боғланиб, янада ғаройиб ва сирли тус олиб борарди"[9].

Келтирилган парчадан ҳам билиш мумкинки, ёзувчи тўртта жиҳатга мантиқий урғу беради:

Бирчидан: қаҳрамон ўнгидаги ҳаётни тушидаги ҳаёт билан солиштиради. Уни таъқиб қилаётган шарпаларни моҳиятида ким ва нима турганини билишга интилади. Бироқ уни ҳеч тубига ета олмайди.

Иккинчидан: адиб Онасининг ёки отасининг қистови билан ўзининг сувга чўкиб ўлган укасини юборади. Меҳроб – Қибла (Каъба)ни ҳам Шайтон макон тутиб олмаслиги учун, аслида одамнинг ичи (қалби), иймони ва эътиқодидир. Одамнинг руҳига эътибор беринг. У кўникувчанлиги, ҳислари ва ақл билан муросаси нимагадир шу зайлда кечади? Ёзувчи бир нарсани ҳақиқат деб қабул қилгандагина у ҳақиқатга айланади демоқчи.

Учинчидан – кундуз куни илоннинг кириб келиши, ва, уни аъқиб этиб, дуоларга ғарқ бўлиб парчаланган иблисни қутқаришга бел боғлаши, ҳам реал моҳиятга айланган. Чунки йигит иймони заиф эди. Унга тушида Отаси ва онаси, акаси мадад қўлини чўзди. Тушдаги ҳаёт йигитни заифликдан, мутеликдан, зулмдан қутқарди. Тўшакнинг ичига беркинган Иблис эса йигитни бутун ҳаётини пароканда қилиши тайин.

Тўртинчидан – Одам боласи хато қилишга мойиллигини кўрсатиб берадиган ҳикоядир. Адиб Иблис шу чоққача ҳали минг хил тусда жилваланиб, фаришта мисол одамларга ёмонлик соғинувчи хилқат эканини кўрсатмоқда. Ота онасининг ирим-сиримларга унчалик ишонишмаслиги ҳам йигитни тушида "ниманидир" оғоҳ этишига сабаб бўлади.

Бадиий хронотопнинг чегараларида фантастик тиалқин ва қаҳрамонларни кетма-кет синовларга гирифтор этади. "Бундай хронтопда етакчилик ва ҳокимият фақат тасодимга тегишлидир. Шу боис мазкур дунёга хос муайянлик ва конкретлилик мумкин даражада чегараланган бўлади. Зотан, ҳар қандай конкретлаштириш, у ҳудудийми, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ёки маишийми, бундан қатъи назар авантюрга хос равонликка, эркинликка соя солган, тасодифнинг мутлақ ҳокимлик миссиясини чегаралаган бўлур эди. Ҳатто оддийгина маиший конкретлаштириш ҳам инсоний турмушни, инсон ҳаётига оид замонни ўзининг қонуниятлари, тартиб-интизоми, лозим муносабатлари талаби билан чеклаб қўяр, воқелик бундай тартиб-интизомлар, қонуниятлар, муносабатлар талаби остида ўралашиб қоларди. Оқибатда тасодиф

[9] Шодиқул Ҳамро. Тушимдаги Оловхон. –Т: "Янги аср авлоди". 2025. –Б.113-114.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ҳокимияти мутлақ чегараланар, саргузатшлар узвий доирага тораяр, бутун фаолият доираси макон ва замоннинг шу нуқтасида айланиб қолар эди"[10]. Даврнинг ўз ижодий критерийлари айни пайтда фантастик ифодаси юқори бўлган ҳикояларда макон ва замон талқини концепцияга эврилиб боришини тайин этмоқда. Шодиқул Ҳамро – "Кушхонадаги воқеа", "Суратдаги аёл", "Ҳовлидаги дарахт" ҳикояларида туш мотивининг ниҳоятда ранг-баранг усулларини қўллайди. Чунки туш инсон фаолиятининг реал манзараларини ҳам, алоҳида муҳим қираларини ҳам кўпчиликка таништириб боради.

[10] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: "Akademnashr". 2015. –Б.63.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.